

**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик Кенгаши йиғилишининг**

БАЁНИ

2022 йил “21” декабрь

Тошкент шаҳри

**Раислик
қилди:**

Б.М.Бекмуродов – Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси – "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси

**Таклиф
қилинганлар:**

А.Ж.Ортиков – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
А.Э.Миралиев – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари

Қатнашдилар:

Кенгаш аъзолари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Жамоатчилик Кенгаш фаолияти юзасидан ўтган давр
мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида**

(Бекмуродов, Туляков, Аббосхонова, Махмудов, Бурханов, Умаров, Гулямов, Абдуқодиров, Ганиев,
Байзакова, Умарова, Мамасаидов, Мамасаидов, Абдужамбулов, Исламов, Тожиева)

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кенгаш йиғилишини Давлат активларини бошқариш агентлиги директори очиб, қуийдагиларни баён этди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247 Фармони билан Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурида Жамоатчилик Кенгаши ташкил топди ва унинг зиммасига Агентлик фаолиятида очиқликни таъминлаш ва ушбу йўналишдаги ишларни жадал ривожлантириш вазифаси юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади. Жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилади.

Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Сўз якунида А.Ортиков келгусида фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш белгиланиб фаолиятни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

2. Иккинчи масала юзасидан Кенгаш раиси Б.Бекмуродовнинг ахбороти тингланди:

Давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш, шу билан бирга давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишини таклиф этди.

Юқоридагиларга қўра, Кенгаш йиғилиши қарор қиласди:

1. Мазкур баён маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кенгаш аъзолари – Жамоатчилик Кенгаши фаолияти самарасини янада ошириш учун жорий йил иш режасини шакллантирсин.

3. Кенгаш котиби **Н.Джурабаева**

- Жамоатчилик Кенгашининг 2023 йилга мўлжалланган иш режасини Давлат активларини бошқариш агентлиги расмий веб-сайтига жойлаштирсин.